



Министерство
Здравоохранения
Республики Узбекистан



USAID
АМЕРИКА ХАЛКИДАН



UNAIDS
UNITED NATIONS PROGRAMME ON
HIV/AIDS • WORLD HEALTH ORGANIZATION
PARTNER • WHO • WORLD BANK

Social Initiatives
Support Fund
Иқтисодий Ташаббусларни
Қўллаб-қувватлаш Фонди



“Соғлом ёшлар” лойиҳаси



ЖИНСИЙ ТАРБИЯ АСОСЛАРИ

Биз Сизни ҳаётингизни турли хил нохушликлардан ҳимоя қилишда ёрдам беришни хоҳлаймиз. Бунда биз жинсий йўл орқали юқадиган касалликларни назарда тутаяпмиз. Охириги йилларда бундай касалликларнинг кўпайиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Ёдингизда бўлсин жинсий йўл орқали юқувчи касалликларнинг асорати: ички органларнинг яллиғланиш касалликлари, бепушлик ва саратонни келтириб чиқариши мумкин.

Ҳар бир одам ўзини саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлларини билиши керак. Ушбу рисола Сизни, жинсий йўл орқали юқувчи касалликлардан сақланишда ёрдам беради

ЖИНСИЙ АЛОҚА ЙЎЛИ БИЛАН ЮҚАДИГАН КАСАЛЛИКЛАР НИМА?

Бунга жинсий алоқа вақтида юқадиган касалликлар киради. Ҳозирги кунда жинсий йўл орқали юқадиган касалликларнинг 25 дан ортиқ тури мавжуд.

Бу касалликларнинг умумий белгилари: ташқи жинсий аъзоларда тошмалар тошиши, қичишиш, пешоб чиқарув йўлидан нохуш ажралмалар келиши, тез – тез оғриқли пешоб ажратиш ва ачишиш. Айрим ҳолларда бу касалликлар белгиларсиз кечиб даволанишсиз ўтиб кетиши ҳам мумкин, лекин бу инсон касалликдан бутунлай соғайиб кетди дегани эмас. Бу касаллик қайтадан авж олиши, ёки сурункали кечишига ўтиши, даволаниш жараёни эса узоқ ва қийин кечиши мумкин.

КАСАЛЛИКНИ ЮҚТИРИБ ОЛМАСЛИК УЧУН ИНСОН ЎЗИНИ ҚАНДАЙ ҲИМОЯЛАШИ МУМКИН?

Никоҳдан олдин ва никоҳдан ташқаридаги жинсий алоқалардан сақланинг.

Гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишдан сақланинг.

Соғлом турмуш тарзига амал қилинг.

Юқоридаги маслаҳатларга амал қилсангиз Сиз ОИВ- инфекцияси ва бошқа жинсий йўл орқали юқадиган касалликлардан ўзингизни ҳимоя қилган бўласиз.

Ишонч телефонлари

Республика ОИТС маркази (ишонч хоналари)
(8-371) 276-23-11;

Республика тери таносил касалликлари
диспансери (8-371) 236-46-77;

ТАШХИС ҚЎЙИШ ВА ДАВОЛАШ

Сизда, шу инфекцияни юктириб олдим, деган шубҳа бўлса, албатта тери таносил диспансерига ёки ОИТС марказига мурожаат қилинг. У ерда Сизни хоҳшингизга кўра текширув ва даволаш ўтказилиши мумкин.

Шифокорнинг берган саволларига аниқ ва тўғри жавоб бериш керак. Бу эса ташҳисни аниқ ва тўғри қўйилишига ва даволаниш самарали бўлишига ёрдам беради.

Шифокорнинг барча маслаҳатларига амал қилинг, шундагина Сиз бу касалликдан тўлиқ ва тез фориғ бўласиз.
Ҳеч қачон ўзбилармонлик қилиб даволанманг!

ОИВ/ОИТС

ОИВ (одам иммунтанқислиги вируси) – бу вирус одамнинг ҳимоя тизимига шикаст етказди.

ОИТС (орттирилган иммунитет танқислиги синдроми) – ОИВ- инфекциясининг касаллик босқичидир.

ОИВ билан зарарланган вақтдан бошлаб, ОИТС босқичигача 7- 15 йил ўтиши мумкин.

Мазкур давр оралиғида инсон соғлом кўринади ва ўзини соғлом ҳис қилади, лекин у вирус ташувчи бўлиб ҳисобланади. ОИВ қуйидаги йўллار билан юқади:

1.Жинсий йўл орқали: ҳимоя воситасидан фойдаланмаган жинсий алоқа пайтида

2.Қон орқали: ОИВ билан зарарланган инсон қони қуйилганда; яхши стерилланмаган тиббий асбоблар ва шприц орқали

ОИВ/ОИТС

3.Вертикал йўл: инфекцияланган онадан болага (ҳомиладорлик, туғиш, кўкрак билан овқатлантириш пайтида).

ОИВ инфекцияси ўпишиб кўришганда, қўл бериб кўришганда, чўмилиш ҳавзаларида, умумий жойларда, шунингдек ҳашоратларнинг чақиши орқали юқмайди.

Агар Сиз, инфекция юқтириб олганлик шубҳасига борсангиз, 3 ой ўтгандан сўнг қон таҳлилини ўтказишингиз керак. Бу таҳлил қон таркибида ОИВга антителолар бор йўқлигини кўрсатади. Агар қон таҳлили салбий чиқса, 3 ойдан сўнг такроран қон таҳлилини ўтказиш лозим, чунки, организмда антителолар ишлаб чиқиши инфекция юқтириб олганлик эҳтимолидан сўнг 3-6 ойгача бўлиши мумкин. Республикамизнинг барча ҳудудларида махсус ишонч хоналари мавжуд. У ерда аноним тарзда маслаҳатлар берилади.

СЎЗАК

Бу касаллик жинсий ва пешоб чиқариш аъзоларини шикастлайди.

Белгилари, одатда 3-7 кунда билинади. Жинсий аъзолардан жуда кўп миқдорда йирингли ажратмалар келиши, сийиш жараёнида қаттиқ ачишиш, қорин пастки қисмининг оғриши кузатилади.

Агар ўз вақтида шифокорга мурожаат қилинмаса, ёки нотўғри даволанса, бепуштликка олиб келиши мумкин. Соғайиб кетиш кафолати - ўз вақтида даволанишни бошлашдир!

ЎЗИНГИЗНИ ЖИНСИЙ АЛОҚА ЙЎЛИ ОРҚАЛИ

ЮҚАДИГАН КАСАЛЛИКЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИНГ.

ЗАҲМ

Заҳм – жинсий алоқа йўли билан юқадиган касалликлар ичида энг юқумлиси ҳисобланади. Заҳмни маиший йўл билан ҳам юқтириш эҳтимоли бор (уй рўзгор буюмлари орқали), шунингдек касалланган онадан ҳомилага (туғма заҳм) юқади.

Белгилари – касаллик белгилари одатда инфекция юққандан сўнг 3-4 ҳафтада билинади. Каттик шанкр (яра), эрозия (шиллик қаватнинг яллиғланиши), ярачаларнинг пайдо бўлиши. Бир неча ҳафтадан сўнг лимфа тугунларининг катталашиши, тери ва шиллик қаватларда ҳар хил тошмалар пайдо бўлиб, вақти - вақти билан тана ҳарорати кўтарилиши мумкин.

Агар касаллик ўз вақтида даволанмаса, у сурункали тарзда, йиллар мобайнида давом этиши ва ички аъзоларга, асаб тизимига тиклаб бўлмайдиган шикаст етказиши мумкин. Заҳм касаллиги тўлқинсимон кечади, яъни касаллик авж олиб, яна пасайиши мумкин. Касаллик пасайган вақтда ҳам шу инфекция билан касалланган одам барибир юқумли бўлиб қолаверади.

Заҳмнинг илк белгиларини сезсангиз, албатта шифокорга мурожаат қилинг!

ҚОВ СОҲАСИНИНГ БИТЛАШИ

Қов суппачасининг битлаши – терининг паразитар касаллиги ҳисобланиб, жинсий алоқа пайтида ўтади.

Қов битлари тананинг тук билан қопланган бошқа жойларига: кўкрак қисми, қўл –оёқ, қўлтиқ ости, соқол ва қошга ўтиши ҳам мумкин.

Белгилари: кучли қичишиш, майда тугунчалар кўринишидаги қизаришлар. Ички кийимларда ва қов суппачасининг тукларида сиркалар мавжуд бўлади.

Совун билан ювиниш бит ва сиркаларга таъсир қилмайди. Бошланғич даврдаёқ шифокорга муурожаат қилиш зарур!

КАНДИДОЗ (ЗАМБУРУҒ КАСАЛЛИГИ)

Инсон организмда замбуруғ ҳар доим ҳам касаллик келтириб чиқармайди. Бироқ, баъзи бир ҳолларда (иммунитетнинг пасайиши, кўп миқдорда антибиотик қабул қилиниши, шахсий гигиена қоидаларига амал қилмаслик) «молочница» касаллигини юзага келтириши мумкин. Белгилари: қўюқ, оқ рангли («творогсимон») ажралмалар келиши, сийиш пайтида ачишиш ва оғриқ бўлиши, жинсий аъзоларнинг қичиши. Даволанишни фақат шифокор назорати остида олиб бориш керак!

Ушбу буклет “Соғлом ёшлар” лойиҳаси доирасида USAID – Американинг халқаро ривожлантириш агентлигининг кўмагида ишлаб чиқилган ва чоп этилган.

Лойиҳа тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлишни истасангиз, бизнинг расмий веб – сайтимизга ташриф буюринг:
www.sisf.uz

Social Initiatives
Support Fund

Ижтимоий Ташаббусларни
Қўллаб-қувватлаш Фонди



2009 © SISF

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент, 100057
Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 80 тел.: (+998 71) 239-29-38/39/40